
Турквот маҳалласининг ички кўчалари асфальтлаштирилмоқда

Бугун туманимизнинг 28 та маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан ички кўчалар асфальтлаштирилиб ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Хусусан тумандаги Турквот маҳалласининг 7 та кўчаларидаги қарийб 12,5 км ички кўчалар асфальтлаштирилаётгани ҳудуд аҳолисини бирдек мамнун қилмоқда.

Ёғингарчилик мавсумида лой, иссиқ кунларда чанг бўлаётган ушбу кўчалар аҳолини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммо эди. Бугун эса ҳудуд аҳолиси мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ислохотлардан хурсандликларини айтмоқдалар.

Албатта ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши ҳамда асфальтлаштириш ишларини лойиҳа асосида сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилиши туман прокуратурасининг доимий назоратига олинган.

2023-06-26 14:17:42